

СИНОФ РАХБАРЛАРИНИНГ ТАРБИЯВИЙ ФУНКЦИЯЛАРИ

Рахимжон Рахмонкулович Бегматов

Тошкент амалий фанлар университети ўқитувчиси

АННОТАЦИЯ

Ушбу мақолада умумтаълим мактабларида синф раҳбарларининг тарбиявий ишлари ташкил қилиши, мазкур жараёнда қўлланиладиган механизмлар ва технологиялар таҳлил қилинган.

Калит сўзлар: тарбия, тарбия технологиялари, тарбия механизмлари, тарбия омиллари, узлуксиз маънавий тарбия концепцияси.

ABSTRACT

This article analyzes the organization of educational work by class leaders in secondary schools, the mechanisms and technologies used in this process.

Keywords: education, education technologies, education mechanisms, education factors, concept of continuous spiritual education.

КИРИШ

Мамлакатимизда Вазирлар Маҳкамаси томонидан “Узлуксиз маънавий тарбия концепцияси” [1] нинг қабул қилиниши бу борада амалга оширилаётган ишларнинг юксак натижаси бўлди. Ушбу концепциянинг қабул қилиниши ва жорий қилиниши таълим тизимида, жумладан, мактабларда тарбиявий ишларни тўғри ва мазмунли ташкил қилинишига асос бўлди. Концепция тарбиянинг муҳим босқичлари ва тамойиллари аниқ кўрсатилиб ўтилганлиги билан аҳамиятга моликдир. Мамлакатимиз Президентининг 2017 йил 7 февралда қабул қилинган “Ўзбекистон Республикасини ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегиясининг “Ижтимоий соҳани ривожлантириш” деб номланган

4-устувор йўналишида мактабгача таълим муассасаларининг қулайлигини таъминлаш, умумий ўрта, ўрта махсус ва олий таълим сифатини яхшилаш ҳамда уларни ривожлантириш чора-тадбирлари белгиланган [2].

АДАБИЁТЛАР ТАҲЛИЛИ ВА МЕТОДОЛОГИЯ

Бизнингча, таълим тизимида тарбиявий ишларни ташкил қилишда қуйидаги муҳим вазифалар мавжуд:

✓ ўқувчиларда ватанпарварлик, миллий ғурур ва миллий ифтихор туйғуларини ва ўз ватанига нисбатан дахлдорлик туйғуларини шакллантириш ва ривожлантириш;

✓ миллий ва умуминсоний кадриятларга садоқат руҳида тарбиялаш;

✓ демократик жамият куриш жараёнида, янгиланаётган “Янги Ўзбекистон” шароитида амалга оширилаётган туб ислохатлар моҳияти билан таништириб бориш;

✓ ўз қобилиятлари ва қизиқишлари асосида маълум бир касбга йўналтириш, юксак мақсадли, билимли ва маърифатли бўлишга жалб қилиш;

✓ зарарли ёт ғояларга кўр-кўрона эргашиб кетмасликнинг олдини олиш мақсадида мустақил фикр юритишга ўргатиш, мафкуравий иммунитетни шакллантириш;

✓ жамиятимизда мавжуд ахлоқий нормаларга онгли равишда риоя қилишларини таъминлаш;

✓ мамлакатимизда амалда бўлган қонунчилик нормаларига риоя қилишлари, ўз ҳуқуқлари каби ўзгалар ҳуқуқларини ҳурмат қилишлари руҳида тарбиялаш, фаол фуқаролик позицияларини шакллантириш ва ҳоказо.

Умумтаълим мактабларида тарбиявий ишда қуйидаги 3 та гуруҳни ажратиш мумкин.

1. Синф раҳбарининг ўқувчига бевосита таъсири:

- ривожланишининг индивидуал хусусиятларини, унинг муҳитини, қизиқишларини ўрганиш;

- тарбиявий таъсирини дастурлаш;

- ўқувчилар билан индивидуал ишлаш усуллари ва шакллари комплексини амалга ошириш;

- тарбиявий таъсирлар самарадорлигини таҳлил қилиш.

2. Тарбиявий муҳитни яратиш :

- синф жамоаси билан ишлаш;

- қулай ҳиссий муҳитни шакллантириш;

- ўқувчиларни турли ижтимоий тадбирларга жалб қилиш;

- болаларнинг ўзини ўзи бошқаришини ривожлантириш.

3. Бола ижтимоий муносабатларида турли субъектларининг таъсирини тўғрилаш:


- оилага ижтимоий ёрдам;

- ўқитувчилар фаолиятини мувофиқлаштириш;

- оммавий ахборот воситалари таъсирини тўғрилаш;

- жамиятнинг салбий таъсирини зарарсизлантириш;

- бошқа таълим муассасалари билан ўзаро муносабатлар олиб бориш.



1- расм. Синф раҳбарининг педагогик тайёрлигини таъминлаш ва фаолиятини ривожлантириш механизми

Педагогик назария ва амалиётда тарбиявий ишларнинг кўп шакллари яратилган, улар ниҳоятда кўп ва хилма-хил.



Ҳар бир шакл бошқасини такрорламайди, фақат унга ўхшаш бўлиши мумкин. Тарбиявий иш шаклларининг бошқасидан нимаси ажратиб туришини, яъни шаклнинг хусусиятларини аниқлаш керак. Э.В.Титова тарбиявий иш шаклларининг учта асосий турини таснифлайди: тадбирлар, амаллар, ўйинлар [3].


Ушбу шакллар мақсад йўналиши, иштирокчиларнинг позицияси бўйича бир-биридан фарқланишини изоҳлайди.

Тадбирлар - бу ўқитувчилар ёки бошқа таълим субъекти томонидан ўқувчиларга тўғридан-тўғри таълим бериш мақсадида ташкил этилади. У ушбу турдаги шаклнинг ўзига хос хусусияти, биринчи навбатда, болаларнинг мулоҳазали ва бажарувчи позицияси ва катталарнинг ташкилий роли ҳисобланади.

Рус тадқиқотчиси Э.В.Титова томонидан тарбиявий иш шакллари иккинчи гуруҳининг ўзига хос хусусиятлари “амаллар” деб номланган. Амаллар - бу умумий иш, жамоа аъзолари томонидан кимнидир, шу жумладан, ўз манфаати ва қувончи учун ўтказиладиган ва уюштириладиган муҳим тадбирлар. М.П.Нечаев тарбия сифатини баҳолашни 2 та йўналишда амалга ошириш таклифини билдиради:

- танланган самарали воситалар, натижаларнинг мақсадга мос келиши (мувофиқлиги);
- фаолиятида қўйилган мақсадлар, танланган усуллар, фаолиятидаги психологик ва бошқа шарт-шароитлар [4].

Тарбия шаклларни фаолият турлари бўйича - таълим, меҳнат, спорт, бадиий, эстетик каби фаолият шаклларига ажратиш мумкин (**2-расм**).



2-расм. Синф раҳбарининг тарбияловчи сифатида таъсир қилиш услуби

Бунда тўғридан-тўғри услуби бевосита синф раҳбарининг тўғридан-тўғри таъсирига асосланган. Воситачилик эса фан ўқитувчилари, қўшимча таълим ўқитувчилари ва бошқа таълим субъектлари орқали амалга оширилади.

Тарбиявий ишларнинг энг кенг тарқалган шаклларида бири индивидуал шакл бўлиб, бунга барча дарсдан ташқари машғулотлар, ўқитувчилар ва болалар ўртасидаги суҳбатлар,

маслаҳатлар бериш, фикр алмашиш (бу алоқа шакллари), биргаликдаги топшириқни бажариш, муайян ишда индивидуал ёрдам кўрсатиш, муаммонинг ечимини биргаликда излаш кабилар киради. Ушбу шакллар кўпинча бир-бирига ҳамроҳ бўлади. Уларнинг ҳар бирининг ўзига хос хусусиятлари бор, аммо тарбияловчилар олдидаги энг муҳим вазифа ўқувчиларни жамият талабларига мос равишда истеъдодларини руёбга чиқишига, ўзлигини англашига, маънан, жисмонан етук инсон сифатида тарбиялашга йўналтирилган. Уларнинг ҳар бири турли йўллар билан ўзаро муносабатда бўлиши керак, ҳар бирига ўзига хос, индивидуал муносабатлар услуби керак. Тарбиявий ишнинг индивидуал шакллари катта таълим имкониятларига эга. Самимий суҳбат бола учун бир нечта жамоавий ҳаракатлардан кўра фойдали бўлиши мумкинлигини педагог-психологлар тажрибаларида тасдиқлаганлар.


НАТИЖАЛАР ВА МУҲОКАМА

Тарбиявий иш шакллариининг бир туридан иккинчисига ўзаро ўтиш ҳолати ҳам мавжуд. Масалан, кўпинча болалар томонидан ташкиллаштирилган ва амалга оширилган экскурсия ёки мусобақа жамоавий ижодий уринишга айланиши мумкин. Тарбиявий ишнинг энг муҳим шаклларида бири тарбиявий дарс соати бўлиб, мактаб ўқувчиларининг маънавий-ахлоқий муносабатлар тизимининг шаклланишига ҳисса қўшадиган уюшган фаолият ҳисобланади. Машҳур рус педагоги Н.Е.Щуркова синф тарбиявий соатининг куйидаги таълим функцияларини кўрсатади: [5]

- тарбиявий;
- йўналтирувчи;
- йўналтирувчи ва шакллантирувчи.

Бунда синф раҳбари болаларни тарбиялайди, йўналтиради ва уларда маълум бир билим ва кўникмаларни шакллантиради. Бу жараёнда тарбиявий жараённи ташкил қилишда вақтни тўғри тақсимлай олиш муҳим.

Синфдан ташқари ишларни ташкил қилиш ишлари, асосан, 2 та йўналишда олиб борилади (3-расм).



3-расм. Синфдан ташқари ишларни ташкил қилиш йўналишлари

Тарбиявий иш бу таълим муассасасининг барча педагоглари зиммасидаги вазифа ҳисобланади. Шу ўринда синф раҳбари ўзига бириктирилган синфда дарс берувчи ўқитувчиларнинг тарбиявий ишларини мувофиқлаштиради ва бошқаради. Буни синф раҳбарининг ҳар бир ўқувчи оилавий шароити, қизиқишлари, руҳий ҳолати (ташвишлари, муаммолари) билан бевосита таниш бўлганлиги билан изоҳлаш мумкин. Педагогикада “**тарбия технологияси**” тушунчасининг умумий қабул қилинган таърифи йўқ.

Тарбия технологияси - бу тарбиявий (ўқув) жараёни иштирокчиларининг мақсадли биргаликдаги ҳаракатларининг алгоритми (кетма-кетлиги) бўлиб, бу кутилган натижага эришишни таъминлайди.

Тарбия технологияларининг асосий хусусиятлари: изчиллик; контсептуаллик; илмий табиат; қонунга мувофиқлик; кафолатланган натижалар; алгоритмлик; оптималлик; тарбиячи ва бола учун қулайлик ва бошқалар.

Инсонпарварлик тамойилини амалга ошириш фақат ижтимоий муҳитнинг турли таъсирини ҳисобга олган ҳолда бўлиши мумкин.

Инсонпарварлик тамойилини амалга ошириш шартлари:

- таълим вазифалари билан демократик жамиятнинг ижтимоий ривожланиш вазифалари ўртасидаги боғлиқлик;
- боланинг шаклланишига таъсир кўрсатадиган ижтимоий институтларнинг ўзаро таъсирини мувофиқлаштириш;
- болаларга ижтимоий-педагогик ёрдам комплексини кўрсатиш;
- педагогик жараёни жамиятнинг реал имкониятларига йўналтириш;
- экологик ижтимоий муҳитнинг турли омилларини ҳисобга олиш (миллий, минтақавий, турар -жой тури, таълим муассасасининг ўзига хос хусусиятлари ва бошқалар);
- ўқувчиларнинг оммавий ахборот воситаларидан, интернет тизимидан қабул қилинган турли хил ахборотларни тузатиш.

Синф раҳбарларининг тарбияси, уларнинг умумий маданият даражасини баҳолашда болаларнинг одоб-ахлоқи, интеллектуал, жисмоний, ахлоқий, эстетик тарбияси ва меҳнат фазилатларининг шаклланиши ўрганилиши лозим.

Улар фаолиятидаги ютуқлар миқдорий ўлчов билан эмас, балки сифат ўзгаришлари билан баҳоланиши керак. Шундагина улар фаолиятини тўғри баҳолаш асосида фаолиятида ижодий, масъулиятли ёндашувни юзага келтириш мумкин бўлади. Синф раҳбари шахсининг ижодий салоҳияти шаклланиши янги ғоялар, асл ечимларни, инновацион шакл ва усулларни қўллаш асосида касбий вазифаларининг

бажарилишини яхшилаш, юзага келадиган вазиятларни чуқур таҳлил қилиш ва моҳиятини англашга асосланган муаммолар ижодий тасаввур ва фикрлаш тажрибаси орқали уни ҳал қилишнинг янги, ўзига хос усуллари топа олиш имкониятини беради.

ХУЛОСА

Умуман, ушбу кичик тадқиқот натижасида, қуйидаги хулосаларга келиш мумкин:

умумий ўрта таълим сифат самарадорлигини таъминлашда таълим субъектларининг куч ва салоҳиятини бирлаштириш, улар фаолиятини мақсадли, тўғри йўналтириш таълим тизимига кластер ёндашувини татбиқ этишни тақозо қилади;

таълим сифатини таъминлашда таълим субъектлари фаолиятидаги натижа сифати жараён ва шароит сифатининг таъминланишига тўғри пропорционалдир;

таълим муассасаларининг тарбия сифатини баҳолашда миқдор ўзгаришлари эмас, балки сифат ўзгаришларининг устувор эканлиги инобатга олинмай келинмоқда ва бу тарбия сифатини баҳолаш мезонларининг қайта ишлаб чиқиш лозимлигини кўрсатади;

таълим сифатини яхшилашда ота-оналарнинг ролини ошириш уларнинг ижтимоий-педагогик ролини ўзлаштириш даражасини яхшилаш билан бевосита боғлиқ.

REFERENCES

1. Узлуксиз маънавий тарбия концепцияси. Вазирлар Маҳкамасининг 2019-йил 31-декабрдаги 1059 қарорига 1-илова.
2. Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида. Ўзбекистон Республикаси Президентининг ПФ-4947-сон Фармони. 2017 йил 7 февраль.— Б.39.
3. Титова Е. В. Если знать, как действовать. — М.: Просвещение, 1993. - С. 105-110.
4. Нечаев М.П. Оценка качества воспитания в условиях реализации ФГОС. Методическое пособие. – М.: УЦ «ПЕРСПЕКТИВА», 2014. – 126 с.
5. Щуркова, Н. Е. Новое воспитание в новой школе [Текст] / Н. Е. Щуркова, М. И. Мухин, А. В. Желаннова. - Москва : АРКТИ, 2012. -С-332